




ЎЗГАН — Ўзган туманидаги шаҳар, туман маркази. Корадарё соҳилида.

---

Ўш шаҳридан 68 км. Ўзган оркали Ўш — Корагулжа автомобиль йўли ўтган. Аҳолиси 41,5 минг киши (1999). Ўзганнинг қадимий қатламлари мил. ав. 2—1 а. ларга оид. Қадимги Ўзганнинг арки ва 3 шаҳристони бўлган. 3шаҳристонда 16аср гача аҳоли яшаган. Ўзган рабодлари 3шаҳристоннинг шим. шаркида жойлашган. А. Н. Бернштам бошчилигида ўтказилган археологик казишлар (1945— 50) натижасида кушанлар давридан теурийлар давригача яратилган моддий ёдгорликлар (сопол буюмлар, тангалар, қар хил металл асбоблар ва бошқалар) топилган. қадимий Ўзган қатта сиёсий ва маъмурий мавкени эгаллаган. Меъморлик ривожланган.

Ўзганда қуруқ сут, минерал сувлар, пиво здлари, нон қ-ти ишлаб турибди, гиламлар ишлаб чиқарилади. Маданият саройи, маданият ва истирохат боғи бор. Меъморий ёдгорликлардан минора (11-аср) ва 3 гумбазли макбара (11 — 12 а. лар) сақланган.